

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

## БУЮК УЛУГБЕК ВОРИСЛАРИМИЗ



15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида қатнашши учун замин сайқали Самарқандга ташриф буюрди.

Муқаддас тупроқдаги тадбирлар улуг мунажжим барпо этган расадхонани кўздан кечириш билан бошланди. Бобокалонимиз кутлуг тўйи арафасида бу қадимжо янада обод қилинди ва таъмирланди. Ислам Каримов расадхона ва унинг қошида ташкил этилган музейга ташриф буюрди. Халқимиз донгини жаҳонга танитган Мирзо Улуғбек мактаби ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишар экан, уни янада бойитиш хусусида қимматли таклифлар билдирди.

Президент Ислам Каримов расадхона ёнидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали пойга гуллар кўйди.

Албатта, миллатимиз фахри — Улуғбекнинг қамолини буюк соҳибқирон Амир Темур яратган улкан маданият ва ижодий муҳитида тасаввур этиш мушкул. Президентимиз Ислам Каримов шу боис улуг Амир Темур Кўрагон зиёратгоҳига йўл олди. Ўзбекистон Президенти ушбу муқаддас қадимжон зиёрат қилар экан, уни янада обод этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мирзо Улуғбек донишманд султон сифатида халқ учун фойдали

бўлган кўп хайрли ишларнинг бошида турган. Унинг кутлуг юбилейи тантаналари ҳам хайрли тадбирларга улашиб кетди. Президентимиз Ислам Каримов Самарқанд шаҳридаги "Ориён уни Трейднинг" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг "Супер Ориён" савдо дўкони очилишида иштирок этди. Германиянинг "Курт Шумахер" фирмаси вакили М. Дик ва "Ориён" ҳиссасдорлик бирлашмаси раҳбари Ф. Зиев билан суҳбатлашар экан, қўшма корхонанинг режалари, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси билан қизиқди.

Шу куннинг асосий воқеалари Самарқанднинг бош майдони Регистонда содир бўлди. Аллома юбилейига бағишлаб байрамона тус олган бу қадим зиёратгоҳда вилоят ҳунармандлари яратган турли маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилган эди. Ислам Каримов ушбу кўргазмани кўздан кечириди.

Шундан сўнг Регистон майдонида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуд тантаналарининг якуний тадбири бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти хокими П. Абдурахмонов байрам йўналиши оғир экан, 20 мингдан зиёд самарқандликлар ва 20 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, турмушдан, БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари тантаналар гувоҳи бўлиб турганини қайд этди. Бу жаҳон маданияти хазинасини тафаккур ганжиналари билан

бойитган улуг олимга эҳтиром рамзи эканини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ибратли ишлари, бой мероси хусусида сўзлади. Биз ўзбекистонликларгина эмас, Марказий Осиё минтақасида яшовчи қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тоjikлар ҳам бу буюк мероснинг ворислари эканини таъкидлади.

Кекса отахон Ахроқул Баратов аллома ҳақида, истиқлолга эришган Ўзбекистонда буюк бобокалонимиз меросига катта эътибор берилганлиги хусусида сўзлади. Халқ фаровонлиги, миллий аъёнларимизни тиклаш йўлида Президентимизга куч-қувват, саломаатлик тилаб дуо қилди.

Кўш уфққа бош қўйиб, самода юлдузлар балқий бошлаган тантаналарда Регистон майдонида Мирзо Улуғбекка бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Бу ўзига хос томошада Мирзо Улуғбек ҳаёти, унинг даври орқали халқимизнинг буюклиги, бағрикенглиги ва заковати намойиш этилди. Бадий жўдхатдан юксак савияда уюштирилган томошаларни минг-минглаб самарқандликлар, хорижлик олимлар, БМТ, ЮНЕСКО каби муътабар ташкилотлар вакиллари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов театрлаштирилган томошалар якунланган, янги таъмирдан чиққан Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳамда бу ерда ташкил этилган кўргазмани бориб кўрди. Президентимиз ана шу ерда илк бор Самарқанд, Бухоро ва Хева шаҳарларини алоҳида руҳсатси ташриф буюриш мумкин бўлган оқиқ шаҳарларга айлатириш таклифини билдирди.

Сўнгра юбилей тантаналарида иштирок этётган меҳмонлар учун қабул маросими уюштирилди.

Юбилей тантаналарида республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бургов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирликлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Амиркул КАРИМ,  
(ЎЗА).

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИРЗО УЛУГБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!  
Мухтарам дўстлар! Ватандошлар!  
Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур аллома Мухаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва навақирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йўллайди.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тароққети тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайд.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуг тарихимизнинг инсоният ривожига катта эҳ қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мукжасам бўлган.

Бугун насл-насабамизни эслаш ва тиклаш замини келган кўраётган бир вақтда катта гурду ва ифтихор билан айташимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрғимизда Улуғбек руҳи барҳаётда.

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекнинг муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги гоялари яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг миллий-маънавий ил-дилларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни қамтиш ниятидан йироқимиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар эҳди қабили-қабили бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб ашганини, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика,

астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибул-маширқада ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Азиз дўстлар!  
Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намойиш этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуг зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юкляди. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган, салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диярининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орусини тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тароққети қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фарзандлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузлари жамланган мукамал ҳарита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукамал астрономик жадалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига кўйинган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

"Зини жадида кўрагоний" деб номланган Улуғбек астрономик жадални ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг аққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Уша узоқ замонларда башарият тароққетини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб атажак маърифатли бир

жамиятни орзу қилди.

Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун гурурланши табиий ҳолдир. Чунки халқини инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Мухтарам дўстлар!  
Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хoja Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби бобокалонимизнинг бебаҳо мероси халқимиз бошимизни баланд қадимизни тик қилади, халқимизнинг қунига-қуч гайратига-гайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!  
Биз бугун узоқ давом этган гафлат уйқусидан уйондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барпо этиш вазифаси сизу-бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз икболи учун, авлодларга озо ва обод ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилаш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!  
Азиз дўстлар!  
Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси бекиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият

масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очётган ҳар ўн чақалоннинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми берилгати деб айтсак, муволаға бўлмайд.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўлаб мамлакатларида ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-қиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу кутлуг анжуманининг барча иштирокчиларига биз билан биргаликда Мирзо Улуғбек руҳини шод этганини озо ва учун чим қалбимдан ташаккурлар билдиришмоқчиман.

Улуғбек кунларида дунёнинг кўлаб мамлакатларидан келган азиз дўстларимизга алоҳида миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!  
Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз учун муқаддас майдонда туриб:

Шу кунларга етказгани учун, юртимизнинг тинч ва абадий озо ва обод бўлиб яшатигани учун тағригимизга шукроналар айтмай:

— Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган халқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш жаннатонанда Самарқанд шўхрати бундан ҳам бошимизни қадриятларга тафаккур юлдузи бундан буюк ҳам бошимиз узра эркин порлаб тураревсин!

— Меҳнаткаш ва пок ниятли халқимиз мурод-мақсадига етсин!

### САМАРҚАНДДАГИ ТАНТАНАЛАР

Улуг олим ва давлат арбоби Мухаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги бағишлаб, Тошкентда очилган халқаро илмий анжуман иштирокчилари 14 октябрь куни Самарқандга келди.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек номидаги меъморчилик-қурилиш институти олдидаги хилёбонга қўчат ўтказдилар, янги тирлейбус ливияси очилишида қатнашдилар. Самарқанддаги тарихий меъморчилик едгорликлари, ноёб обидалар, кутлуг қадамжоларни зиёрат қилдилар. Кечқурун Хамид Олимжон номидаги театрда "Мирзо Улуғбекка бағишлов" адабий-бадий композицияси намойиш этилди.

15 октябрь куни эрталаб анжуман

катнашчилари Регистон майдонида байрам муносабати билан уюштирилган нахор ошига таклиф қилинди. Сўнгра вилоят ҳокимлиги биносидан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги бағишланган халқаро илмий конференцияга ўз ишнини давом эттирди. Илмий-дастур ниҳоясига етгач, барча якуновчи ялпи мажлисга тўланди. Уни Юбилей ташкилот қўмитаси раиси, республика Бош вазири А. Муталов очди. У мазкур халқаро конференция самарали ва мазмулли ўтганини қайд этди. Анжуман қатнашчилари халқаро илмий конференция иши тўғрисида резолюция қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов республика Президенти номидан анжуманда фаол иштирок этган

хорижлик меҳмонлардан бир гуруҳига эсдалик нишонларини топишди. Шу куни халқаро илмий конференция якуни бўйича Ўзбекистон ва чет эллик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Бош вазири А. Муталов, ЮНЕСКО вакили С. Окажима, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик, ЎЗА президенти вазифасини бажарувчи Ж. Абдуллаев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Тушдан кейин тантана иштирокчилари Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи, Гури Амир мақбарасининг таъмирдан сўнг очилиш маросимида қатнашдилар.

Юбилей кунларида Самарқандда яна ўнлаб маданий-маиший ишшоотлар очилиб, мижозларга хизмат кўрсата бошлад.

(ЎЗА).

### ТОШКЕНТ СПОРТЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

17 октябрь куни ХП Осиё ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари Япониянинг Хиросима шаҳридан ватанимизга қайтиб келди. Ана шу муносабат билан Тошкент аэропортида тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Маросимда сўзга чиққан Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, Республика футбол федерацияси раиси С. Рўзиев ва бошқалар спортчиларни тартиқлаб, Ўзбекистон спортчилари нуфузли халқаро мусобақада ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганларини, айниқса, футболчиларимизнинг Осиё ўйинлари чемпиони унвонини қўлга киритиши ажойиб воқеа

бўлганини таъкидладилар.

Шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ешлар, спорт мухлислари Осиё ўйинлари қатнашчиларини қарнай-сурнай салолари остида шоду хуррамлик билан кутиб олдilar, уларга гуллар тақдим этидилар.

Кутиб олиш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги футболчиларимизнинг Осиё ўйинлари чемпиони унвонини қўлга киритиши ажойиб воқеа

(ЎЗА).

### ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

18 октябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов туркий тили давлатлар раҳбарларининг Истанбулдаги учрашувида иштирок этиш учун Туркия Республикасига жўнаб кетди.

Республикамиз Президенти сафар олдидан журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, туркий тили давлатлар раҳбарларининг учрашуви уш-

бу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга эканини айтди.

— Мазкур давлатларнинг Анкарада бўлиб ўтган биринчи учрашувида кўпгина соҳаларда амалий ҳамкорлик қилиш тўғрисида муҳим ҳужжатлар қабул этилган эди. — деди мамлакатимиз раҳбари.

— Лекин уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўзгаришларга тўла ҳозирги даврда бироз суст кетмоқда. Шу боис Истанбулдаги иккинчи учрашувида мавжуд муаммолар амалий ҳал этилади, унда катнашаётган ҳар қайси мамлакат шу ҳамкорликдан фойда топади, қардош халқлар унинг самараларини ўз ҳаётларида хис этадилар, деган фикрдаман.

Ислам Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алломов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎЗА).

«ОК ОЛТИН» ХИРМОНИДА

ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1994 йил 18 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ (режага нисбатан физ ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошидан буен	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Уртачирчиқ	1.45	88,00	0,73	78,41
Куйичирчиқ	1.36	85,43	1,06	77,50
Юқоричирчиқ	1.33	83,65	0,47	71,55
Чиноз	1.18	77,80	1,37	51,85
Оқдўрғон	1.51	78,22	1,07	59,49
Бўжа	1.55	73,45	0,94	42,16
Янгийўл	1.12	66,90	0,58	30,07
Пискент	1.36	64,36	0,42	30,69
Бекобод	1.53	58,75	0,78	20,13
ВИЛОЯТ БЎЙИЧА	1.42	74,55	0,84	61,34

Хўжаликнинг катта меҳнат галабасига гектаридан 34-36 центнердан хирмон кўтарган Раҳим Ёқубов, Хурсанд Бўрибоев, Нишон Мусаев сингари миришкорлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари, азамат механизаторлари, қўли гул чевар теримчилари муносиб улуш қўшдилар.

Далаларда хали ҳосил мўл. «Оқ олтин» терими кизгин давом этмоқда.

Т. ЭРХўЖАЕВ.

# "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

Барча алоқа бўлимларида "Тошкент ҳақиқати" газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.

**Обуна баҳоси:**  
**БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ**  
**ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ**  
**УЧ ОЙГА — 66 СЎМ**  
**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:**  
**Энг арзон идоровий нашр — "Тошкент ҳақиқати" дир.**

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нархдадир.

Обуна мавсумида фаоллик кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига етгач ғолибларга топширилади.

**"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" нашр кўрсаткичи — 64672.**  
**ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

Олмалиқда уч юз ўнга кичик корхона, ширкатлар, корхоналар филиаллари, масъулияти чекланган жамиятлар ишлаб турипти. Уларда мавжуд ишчи ўринлари 2300 тага яқин бўлиб, миллион-миллион сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари тайёрланмоқда, пулли хизмат кўрсатилапти.

Олмалиқ ишлаб чиқариши деганимизда кўз олдимизда йirik саноат корхоналари, бир томони уфққа туташиб кетгудек бепоён очик ва ер ости конлари намоян бўлади. Аслида ҳам шундай. Кейинги йилларда фақат унгагина эмас, балки вилоятимиздаги барча шаҳарлар ва қишлоқларга хос бўлган яна бир хусусият ҳам кўзга ташланмоқда. Бу ерда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариши, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва бу билан биринчи навбатда шаҳарнинг истеъмол бозорини бойитишга ҳисса қўшишга қаратилган сайёҳаракат кучаймоқда.

Шу мақсадда янги-янги кичик ва қўшма корхоналар, цехлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар, фирмалар барпо этилиб, бирин-кетин ишга туширилмоқда. Айни вақтда яқна тартибда меҳнат қилиш, касаначилик ва ишлашнинг бошқа шакллари ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Бу билан яна бир муҳим муаммо ҳал қилинмоқда. Ҳозирги вақтда беш бўлган фуқароларни, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизларни жамият учун ҳам, ўзлари учун ҳам фойдали яратувчилик меҳнатига жалб қилинмоқда.

Шаҳарда ташкил этилган ва ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган бундай ишлаб чиқариш бўлимларининг сони бир неча юзтани ташкил этади. Шу кунларда эса уч юз ўнга кичик корхоналар, цехлар, ширкатлар, турли хил ҳиссадорлик ва хусусий жамиятлар ишлаб турипти. Уларда тайёрланаётган маҳсулот турлари, кўрсатилаётган хизмат хиллари тобора кенгайиб бормоқда. Шу йўл билан яратилган янги иш ўринлари икки минг уч юзтага яқинлашиб қолди. Агар айрим кичик корхоналар ва ширкатларда кўп сменилик иш тартиби жорий қилинганлари ҳам ҳисобга олинса, меҳнат билан таъминланганлар сони бунга нисбатан анча қўпроқ бўлади. Бу ишчилар шунча кишига қамайди, демакдир. Бундай корхоналар ва ширкатларда ишлаб чиқарилган турли-туман ҳўжалик ва кундалик эҳтиёж буюмлари эса олмалиқликларнинг эҳтиёжларини

қондириши яхшилашга ердан бормоқда. — Бу тамойил тўхтосиз давом этаверди, — дейди шаҳар ҳокимлигининг саноат қорхоналари, машина ижтисодиёти ва тадбиркорлик бўйича мутахассиси Тоҳир Оқбўтаевич Маматкулович. — Узоқ мuddатга мўлжалланган дастур асосида олиб боришмоқда. Шунга мувофиқ ўтаётган йилнинг бошидан бери қирқтадан ортиқ янги шундай ишлаб чиқариш бўлимлари очилди. Бирор ой йўқки, унда камин билан тўртта-бешта кичик корхона, ширкат, цех ёки масъулияти чекланган жамиятлар шаклланаётган бўлсин. Бу давримизнинг ўзинга хос ажралмас хусусияти бўлиб қолди. Чунки, бозор иқтисодига ўтиш, халқимизнинг тобора ортиб бораётган талаблари, камбағаллашиб қолган истеъмол бозори шунга тақозо этмоқда. 120 нафардан ортиқ

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

киши иш билан банд қилинди. — Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашма и жамоаси ҳам бу хайридан ишдан четда турмаяпти. Кимёгарлар бутун бир гишт заводини барпо этишди. Унинг иморатларини қурдилар, асбоб-ускуналарини ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олиб ўрнатдилар. Барча технологик асбоб-ускуналарини ишлаб, синавдан ўтказдилар. Шундан кейингина қишлоқдаги фойдаланувчилар ихтиёрига топширилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган пишиқ гишт жамоа ҳўжалиқлари, яқна тартибда уй-жой қўрувчиларга етказиб берилмоқда.

Иқтисодий ислохот одимлари иссиқлик тармоқларини, жумладан иситиш қозонларини ўрнатиб ва таъмирлаш билан шуғулланмоқдалар. Улар шахсий уй эгаларнинг ҳам, корхона ва ташкилотлар буюртмаларини ҳам бажарадилар.

Аҳолига турли хил маъмурий хизмат кўрсатишга ихтисослашган "Истиқбол" фирмаси, "Баҳор" кичик корхонаси, автомобилларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи "Брик", гиламлар, трикотаж буюмлари тўқувчи "Ўзбекистон" хусусий корхоналари, "Азон" трикотаж ва бошқа ўнлаб шундай кичик корхоналар ҳам истеъмол бозорини тўлдириб учун ишламоқда.

Қатор саноат қорхоналари оталиқдаги Пискент тумани ҳўжалиқларида ҳам саноат ишлаб чиқаришини барпо этиш ва иқтисодийнинг бу муҳим тармогини қишлоқларга олиб киришдек долзарб вазифанинг бажарилишига ҳисса қўшиш йўлида дастлабки қадамларни қўйдилар. Чунончи, "Тафтинч" ҳиссадорлик жамияти жамоаси туманда гилам цехи ташкил этиди. Юз нафар қиз-жуванлар шу цехда гилам тўқишга жалб қилинди. Улар барча жараҳларини қўл кучи билан бажарадилар.

## САЛОМАТЛИК МАСКАНЛАРИДА



**ИККИ МИНГ ФАРЗАНДИНИГ ОНАСИ**  
Қишлоқда Елена Эсенкулова ҳақида гап кетгудек бўлса аёллар бари қўйиб, бири олиб йиғирма саккиз йилдан буюн шу шифохонада доялик қилаётган бу нажоткор тўғрисида самимий, илиқ фикрларини баён қилишди. Бунинг босни бор. Елена Михайловна кўз еришга келган онанинг жони тани бўлиб қолган. Ширинсуханлиги, маслаҳатлари ва далдаси билан уларни рузлантиради, енларидан бир қадам ҳам силжимайд.

## БИР ШИФОХОҲАКИ, ОРОМГОҲ ДЕИСИЗ

МУСТАКИЛЛИК йиллари ичнда республикамиз Президентини алоҳида эътибор берган ва гамҳўрлик кўрсатаётган соҳалардан бири — халқ соғлигини сақлаш тизими бўлди. Соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги фармон, соғлом авлод жамғармасининг шакллантирилиши тиббевитимиз ҳаётида унутилмас воқеадир.

Меҳнатқашлар саломатлигини, хусусан оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида Юқоричирчиқ туманининг "Полиотдел" жамоа ҳўжалиги ҳудуддаги қишлоқ участка шифохонасида ҳам самарали ишлар қилинмоқда.

Биз шифохона бош шифокори Бахтиёр Ҳолов билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ана шу сўбатни ва шифохона фаолияти ҳақидаги бир қатор мақолаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Бахтиёр Шералиевич, аввало шифохона ҳақида, ундаги шифокор ходимларининг иш фаолияти тўғрисида қисқача тушунча берсангиз!

Бу жойларда ўз касбларини пухта эгаллаган Мая Ким, Султонхўжа Сайдолимов, Вера Намчева, Раавной Алмитова сирғари малакали шифокорлар, Лариса Шин каби бош тамширар, Вера Ким, Искра Югай, Раҳима Аҳмедовалардек ҳамширалар беморларга сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

— Дори-дармон танқислиги сезилмаётган бўлса керак! — Мен танқислик сезилмапти, деб айта олмаман. Республикага чет эллардан кўрсатилган инсонийлик ердидан шифохонамиз ҳам баҳраманд бўлган. Беморларни 90 фоиз ҳажмида шифохона дори-дармонлари билан даволашмиз. Айни пайтда қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Четдан дори-дармонларни маҳсулот алмаштириш йўли билан олиб келиш усулларини излашмиз. Бу борада бизга ҳўжалик раҳбари С. Т. Хаев ердан бераётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Даволашда бошқа омиллардан ҳам фойдаланялмиз. Дорибор усимликлар қўл келмоқда. Тиббевта дахлдор фирмалар билан алоқалар ўрнаташмиз. Яқинда газеталардан бирида Тошкентдаги "Эсперо" фирмаси чиқараётган иччам қурималар ҳақида ўқиб қолдим. "Жонли ва жонсиз сув" қурилмаси — Эсперо — томоқ оғриги, оёқ оғриги, бот, жигар хасталиқларини даволашда яхши самаралар бераётган экан. Шифохонага тўрта сотиб олдик. Биноидек фойдаланялмиз.

— Эсперо—6" эса дезинфекция воситалари ўзини босадиган аппарат экан. Унда бизга қўлайлик яради. Бизда лазер нури ёрдамда ҳамда игна билан даволаш усуллари ҳам мавжуд.

— Гап даволаш усуллари ҳақида бораркан, шифохонанинг яқинда қишқан минерал сувдан фойдаланиш борасида қандай шифокорлар қўриқилгани ҳақида жараёнини амалга оширивалмиз.

## АЛЛО, "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"МИ?

ОҲАНГАРОН тумани ички ишлар бўлими ходимларидан бир йўла 60 нафари "Тошкент ҳақиқати" газетасига обуна бўлишди. Бундай уюшқоқликнинг боси — газетда вилоят ҳаётидаги янгиликлар ва қизқарли мавзудаги мақолаларнинг кўпайиб бораётганлигидир. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Эргаш Эркеев телефон орқали ана шуларни маълум қилди ва бундан кейин ички ишлар ходимлари фаолиятидан ҳам ранг-баранг мақолалар бериб борилишига умид билдириди. Бўлимида обуна давом этмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" тахрирати биринчилар қаторида обунани расмиийлаштирган А. Оловуддинов, Х. Ирсаев, А. Мирзаев, М. Рабимбеков, Ш. Абдуллаев сингари ички ишлар ходимлари, шунингдек, обунани уюшқоқлик билан ташкил этган туман ички ишлар бўлими раҳбарлигига миннатдорчилик билдиради.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, жойларда газетга обунанинг қандай бораётганлиги ҳақидаги хат ва қўнғироқларингизни кутамиз.

## Тошкент вилояти туманлари ҳўжалиқларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида 1994 йил 17 октябрда бўлган МАЪЛУМОТ

ҳўжалиқлар	Мавсум бошидан буюн	"Қаҳрамон"	56,29
		"Ойтамғали"	56,08
		Оқунбобоев номли	55,38
		32-СПТУ	52,50
<b>БўКА ТУМАНИ</b>			
		"Паркент"	94,62
		Саймоқов номли	93,68
		21-СПТУ	93,46
		Азаматов номли	86,28
		И. Хожиматов номли	81,91
		Ачмамайли	81,91
		"Бустон"	81,04
		"Туркистон"	76,68
		Б. Умаров номли	76,34
		О. Юлдашев номли	76,09
		"Ровот"	74,95
		Навой номли	73,89
		"Дўстлик"	73,77
		Жамбул номли	72,03
		Фермер ҳўжалиги	69,93
		"Қаймас"	68,66
		"Ўзбекистон"	64,78
		Бўка	64,69
		Хўжақўрган	62,03
		У. Умаров номли	57,78
		"Кўкорон"	51,74
		"Қашқадар"	49,25
		Улугбек номли	42,27
<b>ЯНГИЙҮЛ ТУМАНИ</b>			
		УзМИС	85,41
		"Тинчлик"	73,27
		"Қўрунчи"	71,87
		Ортиқов номли	71,81
		"Дўстлик"	71,00
		Мирзобобоев номли	70,55
		"Янги ҳаво"	62,80
		УзНИИМЭ	62,62
		"Нивзобоши"	61,73
		Нивзобоши	61,39
		"Озод"	59,55
		Турсунқулов номли	47,82
<b>ПИСКЕНТ ТУМАНИ</b>			
		11-СПТУ	83,50
		"Пискент"	71,12
		"Туркистон"	67,40
		Оқунбобоев номли	65,49
		"Қирққизобод"	65,25
		Ҳайдаров номли	62,47
		Навой номли	61,09
		"Мустақиллик"	58,84
		"Дўстлик"	58,54
		Қодиров номли	45,31
<b>БЕКОВОД ТУМАНИ</b>			
		"Фарҳод"	73,20
		А. Навоий номли	79,81
		"Ғалаба"	70,58
		"Ўзбекистон"	67,08
		Ойбек номли	66,48
		"Хос"	63,02
		"Наваҳор"	59,42
		Бобур номли	55,60
		"Бекобод"	54,66
		"Далваран"	53,81
		Улугбек номли	52,20
		Мавлонов номли	48,67
		"Дехқонобод"	43,79
		"Авангард"	35,60
		Сарюз ширкати	33,52

## ЭШИТГАНИ ДОИМ "РАҲМАТ"

УША КУНИ мустақиллик байрами даврасига кириб келаётганлар у билан бир зум бўлса-да, тўхтаб сўрашишар, диллари баҳра олгандек юз-кўзлари қувончи тарзда айём дастурхони томон ўттириди. Тантана бошлангач, бир пиела чай устида тадбир ташкилотчиси — "Полиотдел" қишлоқ шифохонаси бош врач Бахтиёр Ҳоловдан бу сертакалуф инсон ҳақида сўрадим.

— Султонхўжа ака Сандолимовни вилоятимиз, Тошкент шаҳрининг ярни танийди десам муболага бўлмас. Қулоқ, бурун, томоқ касаллиқлари бўйича етух мутахассис, олиё тоифали шифокор. Республика соғлиқни сақлаш алоҳисис, салкам қирқ йилдан буюн халқ хизматидилар, — деб қисқача тавсиф берди у.

— Биз кичик, бурун, томоқ (ЛОП), аёллар хасталиқлари — экстрагенитал, пульмонологик бўлимида ҳамда кундузги шифохона орқали даволаш жараёнини амалга оширивалмиз.

— Султонхўжа ака иш мобайнида иктидорли шифокор эканлиқларини кўрсата олдилар. — дейди унинг ҳамкасбларидан бири В. К. Намчева, — дўхтир сурункали танзилли, гайморит, бурун касаллиқларида дахлдор турли касаллиқларни операция йўли билан даволашда вилоят бўйича танилдилар. Мулохазалар дафтариини варақлаган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

— Бундай қўли енгил, инсон қалбига малҳам бўлувчи дўхтирлар борлигини билмасдим, — деб эсади бемор У. Ҳасанов, — йиллар давомида бурун усмаси касаллигидан азоб чекиб келдим. Ниҳоят, Султонхўжа аканинг таърифини эшитиб, қишлоқ шифохонасига йўл олддим. Энди ўзимнинг ҳам, оиламиз аъзоларининг ҳам қувончимиз чексиз. Халоскоримга чин дилдан раҳмат.

Паркент туманининг Намданақ қишлоғидан Шаҳноза Шерова, юқоричирчиқлик Эрбулат Абдукаримов ва вилоятимизнинг турли туманларидан А. Ҳамроқулова, А.Ғатауллина, Й. Эгамбердиев, У. Намозбоев ва дардларига шифо топган бошқа бир қатор кишилар езиб қолдирган сўзларидан С. Саидолимовга самимий ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуси ифодаланган.

Отага, унинг касбига ҳурмат оилада ҳам мужассам. Жарроҳ Султонхўжа ака, унинг умр йўлдоши шифокор Дилбархон опалар хонадонида саккиз фарзанд дўхтирлик касбини танлашган, бир қизлари эса иктисодчи. Ҳаммалари ўз иш жамоаларида, ўқув даргоҳларида ҳурмат қозониб оила обрўсига обрў қўшиб келмоқдалар.

Суратларда: (юқорида) қишлоқ шифохонаси бош шифокори Бахтиёр Ҳолов даволаш бўлимининг мудирини Мая Ким билан бемор касаллик варақасини кўздан кеиришмоқда; шифокор Вера Константиновна Намчева ҳар бир болани тиббий қўриқдан ўтказар экан, унинг "тилин"ни топиб, ўзинга махфия қилиб қўяди.

Д. АҲМАД ва Ш. ЗУФАРОВлар суратта олганлар.

М. ҚУЧҚОРОВ.

Сўхбатлош С. ҲАСАНОВ.

С. АБДУЛЛАЕВ.

«Хосил -94»

# ТЭВКОР ГУРУҲ ХАБАР БИРАДИ

Шех: 33-40-48, 33-70-10.

«Хосил -94»

## ТАДБИРЛАР ИШЛАЯПТИ

Бўка туманида ялпи сафарбарликни кучайтириб, пахта йиғим-теримини бир маромда, уюшқоқлик билан ташкил этишга қандай қилиб эришилмоқда

**ХЕЧ КИМГА сир эмаски, кейинги йилларда иқлим шароити тубдан ўзгариб кетди. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширишда мураккаб ҳолат юз бермоқда. Айниқса, пахта йиғим-терими егин-сочинли қунларга қилиб, катта машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир қисми далада қолиб нобуд бўлиши содир бўлаётми.**

Лекин, миришкор, кўпни кўрган тажрибали деҳқонлар бундай шароитда ҳам эпни қилмоқдалар. Ерни обдон тайёрлаб, сўнг уруғлик экиб, уни ундириб олач парварши ишларини оби-тобида ташкил этиб, ҳосилни эрта етиштириб, бу қимматбахо ҳашени октябрь ойидан кечиктирмасдан саранжомлаб олаётганлар оз-мунча эмас.

Бўка туманида бўлганимизда ана шундай миришкорларнинг иши билан танишдик. Ҳар бир хўжаликда, ҳудудда ҳоқ кўл терими бўлсин, ҳоқ машина терими бўлсин, уни йўлга қўйишда, ташкил этишда ўша ерининг шароити, даланинг ҳолати, ҳосилнинг чўғи ва салмоғи, техникаларнинг имконияти, ишчи кўчаларнинг сонини, агар таъбир жоиз бўлса, одамларнинг "фезл-латори" ҳам ҳисобга олинган ҳолда пахта йиғим-терими стратегиясини ишлаб чиқилганлигини ва бу тадбир яхши самара бераётганлигини гувоҳи бўлдик. Бу стратегиянинг асосий моҳиятини инсон меҳнатини қадрлаш, меҳнатга яраша рағбат кўрсатиш ва руҳлантириш ташкил этади.

— Бошқача бўлиши мумкин эмас, — дейди туман ҳокими Баҳодир Махситов, — ахир юртбошимиз ҳам бу масалага катта эътибор бермоқдалар. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда одамларни руҳлантиришнинг кунча куч, гайратига гайрат қўйишда катта омиш эканлигини таъкидламоқдалар.

Биз ўз феолиятимизда ана шу ўлчовни мезон қилиб олганмиз. Гап шундаки, бўлаклик мард, фидойи одамлар. Улар тўғри сўзни етиштиришди. Ҳалолликни, покликни хуш кўрадилар. Уларнинг кўнглини ола билсангиз меҳнатдан сира қочмайдилар. Уларга ишониб ҳар қандай мушкулни қал қилиш мумкин. Лекин бир нарсани сира унутмаслик керак. Деҳқоннинг, қишлоқ аҳлининг талабига, фикр-мулоҳазаларига эътибор билан қўлоқ солиш, ўрганиш, қўлдан келганча ердан бериш гоят муҳимдир. Бу йўлда раҳбар арзиманган нарсадан муважжам тугдирмаслиги керак. Чунки деҳқоннинг талаби ўрнили, жуғли ва айна пайтда оддий, бажариб қийин эмас: сувни, экин, газимизни илож бўлса, қўйиб бериш, фарзандларимизнинг тарбияси билан биргаликда шуғулланиш, кундалик рўзгор буюмларини ўз вақтида олиб турарлик.

Биз ўз ишимизда қишлоқ аҳлининг ана шу талаб-эhtiжларини қондиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Йиғим-терим даври учун белгиланган тадбирларда ҳам бу нарса ўз ифодасини топгандир... Яна бир жиҳатда катта эътибор қилинди. Об-ҳавога, бир вақтлардагидек, машинага ишонч йўқ. Шунинг учун кўп терими ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлиги алоҳида ҳисобга олинди. Сафарбарлик амалда яхши натижалар бериши учун ҳар бир хўжаликда, жамоада сўз билан ишнинг бирлиги таъминланмоқда.

Шунинг учун ҳам дастлабки кунларданок самара яхши бўла борди. Ҳозирги кунда туман бўйича 20 мингдан ортиқ киши теримда қатнашапти. Улар ердаимида айна қизгин далада 600 тоннадан ошириб пахта териб олинди. Машиналар билан эса, кунга 500-550 тонна пахта терилди. Агар туманнинг режаси 41 минг 600 тонна эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бир фоз пахта 416 тонна бўлади.

Укибоев. — Бунинг учун асос бор, ҳосил бор. Ишчи кўчлари етарли. Айни кунларда далада 500 аъзо пахта тераяпти. Улар сафига яна 200 киши қўшилади. Ҳашарчилар, туман ташкилотларидан келган ерданчилар ҳам кўпаймоқда. Биз ҳисоблаб чиқдик. Кўл терими ҳисобига бемалол икки фоз, машиналар ердаимида эса 1,5 фозгача пахта тайёрлашимиз мумкин. Ишқилиб, ҳаво очиб бўлиб турса бўлгани. Суръатини пасайтирмаймиз. Ҳатто мўжжалимиздан олдин ҳам маррага етиб имконияти бор.

Бригадаларимиз бирин-кетин маррага етиб келишмоқда. Суннат Назаров бошлиқ жамоа ҳозиргача режасини 112 фоздан ошириб юборди. Қуни кеча туман ҳокимининг ўзи келиб жамоа аъзоларини қўтлаб, уларга миннатдорчилик билдирди. Бригадига тўн, дўпни кийдирди, белбоғ боғларди. Жамоа аъзолари гоят руҳланиб, тўлқинланиб кетдилар. Улар ҳосилдорлиқни 40 центерга етказишга сўз бердилар.

Бу ўринда шунини айтиш кераки, биронта жамоанинг ютуғи ҳоқ у катта бўлсин, ҳоқ кичик бўлсин ҳокимликнинг эътиборидан четда қолмайди. Қайси бир хўжаликда бригада, эвено режасини бажарган бўлса, ҳокимнинг ўзи у ерга шаҳсан бориб, жамоани табриқламоқда, яхши сўзлар айтиб, совғалар топириб, уларнинг қўлини олиб келимоқда.

Ҳар беш кунда йиғим-терим натижалари яқин қилиниб, ҳар бир теримчи, меҳнаткорнинг терган тақдирига яраша ҳақ эвизиб, олтинчи кунини дала боғида олиб бориб берилмоқда. Хўжалик бўйича бир кунда битта кассирнинг ўзи ҳаммага пулни тарқатиб олгунга олмайдди. Ана шунинг асосий асосий кассир енига қўшимча яна тўрт кассир қўшиб берилди, вазиат шунини таъвоэ этади.

Олди теримчилар 3-3,5 тоннадан пахта териб, 1,5 минг, салкам 2 минг сўмдан, механик-ҳайдовчилар эса, 75-80 тоннадан пахта териб, 1500 ва ундан ошириб пул олишди. Рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам жорий этилган. Хўжаликда пахта етиштиришдан 3 та уастка бор. Ҳар беш кунлик икки бўйича биринчи ўринини олган уасткага 150 сўм пул мукофоти берилмоқда, бригада, меҳнаткор, эвено бошлиқларини учун ҳам соврилли ўринлар белгиланган. Бундан ташқари хўжаликда режасини биринчи бўлиб бажарган бригада 900 сўм, иккинчи бўлиб бажаргани 700 сўм, учинчи бўлиб бажаргани эса 500 сўм пул мукофоти олади.

Яна бир қўшимча рағбатлантириш. Хўжаликдан энг олдин режасини бажарган бригада борки, у топширган пахтасининг ҳар бир килоси ҳисобига қўшимча яна икки сўмдан пул олади.

— Қабул пунктлари ишидан қониқсанларим? — Яхши эса соднингиз, — деди раис, — ҳокимлик бу соҳада ҳам бизга анча енгиллик тугдирди. Илгарилари пахта қабул пунктлари, заводлар ўз билгиларича иш тутишарди. Биз билан

ҳисоблашилмасди. Топширган пахтаимиздан баъзида 20-25 фозгача чегириб ташлашарди. Ҳокимлик уларнинг иш услубини элак-элак қилди. Катъий адолат бўлишини талаб этди. Бу талаб инбатга олинимоқда. Кеча ҳисоблаб чиқдик. Кўл терими ҳисобига бемалол икки фоз, машиналар ердаимида эса 1,5 фозгача пахта тайёрлашимиз мумкин. Ишқилиб, ҳаво очиб бўлиб турса бўлгани. Суръатини пасайтирмаймиз. Ҳатто мўжжалимиздан олдин ҳам маррага етиб имконияти бор.

Бригадаларимиз бирин-кетин маррага етиб келишмоқда. Суннат Назаров бошлиқ жамоа ҳозиргача режасини 112 фоздан ошириб юборди. Қуни кеча туман ҳокимининг ўзи келиб жамоа аъзоларини қўтлаб, уларга миннатдорчилик билдирди. Бригадига тўн, дўпни кийдирди, белбоғ боғларди. Жамоа аъзолари гоят руҳланиб, тўлқинланиб кетдилар. Улар ҳосилдорлиқни 40 центерга етказишга сўз бердилар.

Бу ўринда шунини айтиш кераки, биронта жамоанинг ютуғи ҳоқ у катта бўлсин, ҳоқ кичик бўлсин ҳокимликнинг эътиборидан четда қолмайди. Қайси бир хўжаликда бригада, эвено режасини бажарган бўлса, ҳокимнинг ўзи у ерга шаҳсан бориб, жамоани табриқламоқда, яхши сўзлар айтиб, совғалар топириб, уларнинг қўлини олиб келимоқда.

Ҳар беш кунда йиғим-терим натижалари яқин қилиниб, ҳар бир теримчи, меҳнаткорнинг терган тақдирига яраша ҳақ эвизиб, олтинчи кунини дала боғида олиб бориб берилмоқда. Хўжалик бўйича бир кунда битта кассирнинг ўзи ҳаммага пулни тарқатиб олгунга олмайдди. Ана шунинг асосий асосий кассир енига қўшимча яна тўрт кассир қўшиб берилди, вазиат шунини таъвоэ этади.

Олди теримчилар 3-3,5 тоннадан пахта териб, 1,5 минг, салкам 2 минг сўмдан, механик-ҳайдовчилар эса, 75-80 тоннадан пахта териб, 1500 ва ундан ошириб пул олишди. Рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам жорий этилган. Хўжаликда пахта етиштиришдан 3 та уастка бор. Ҳар беш кунлик икки бўйича биринчи ўринини олган уасткага 150 сўм пул мукофоти берилмоқда, бригада, меҳнаткор, эвено бошлиқларини учун ҳам соврилли ўринлар белгиланган. Бундан ташқари хўжаликда режасини биринчи бўлиб бажарган бригада 900 сўм, иккинчи бўлиб бажаргани 700 сўм, учинчи бўлиб бажаргани эса 500 сўм пул мукофоти олади.

Яна бир қўшимча рағбатлантириш. Хўжаликдан энг олдин режасини бажарган бригада борки, у топширган пахтасининг ҳар бир килоси ҳисобига қўшимча яна икки сўмдан пул олади.

— Қабул пунктлари ишидан қониқсанларим? — Яхши эса соднингиз, — деди раис, — ҳокимлик бу соҳада ҳам бизга анча енгиллик тугдирди. Илгарилари пахта қабул пунктлари, заводлар ўз билгиларича иш тутишарди. Биз билан

ҳисоблашилмасди. Топширган пахтаимиздан баъзида 20-25 фозгача чегириб ташлашарди. Ҳокимлик уларнинг иш услубини элак-элак қилди. Катъий адолат бўлишини талаб этди. Бу талаб инбатга олинимоқда. Кеча ҳисоблаб чиқдик. Кўл терими ҳисобига бемалол икки фоз, машиналар ердаимида эса 1,5 фозгача пахта тайёрлашимиз мумкин. Ишқилиб, ҳаво очиб бўлиб турса бўлгани. Суръатини пасайтирмаймиз. Ҳатто мўжжалимиздан олдин ҳам маррага етиб имконияти бор.



Й. Ҳожиматов номли жамоа ҳўжалиги раиси Рустам Укибоев (ўртада) бригада бошлиғи (chapда) Нурали Ортиқов меҳнаткорлар билан машина теримининг самарадорлигини янада ошириш ҳақида маслаҳатлашмоқда.



Чевар теримчи Дилором Қўчқорова. У ҳозиргача хирмонга салкам 4 тоннага яқин пахта топширди.



Туман ҳокими Баҳодир Махситов Йўлдош Ҳожиматов номли жамоа ҳўжалиги илгор бригада бошлиғи Суннат Назаровни режани бажарганлиги билан қўтлаб, тўн кийгизмоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Тошкент вилояти касабаси уюшмалари кенгашида

### ИЖТИМОЙ СУГУРТА ХИСОБИДАН

Ҳозир вилоят меҳнаткорларининг эътибори етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга қаратилгандир. Касабаси уюшмалари ҳам "оқ олтин"ни тезроқ йиғиштириб олишда ҳар томонлама кўмак беришга иштирок этади.

Кунин кеча Тошкент вилояти касабаси уюшмалари кенгаши раёсати ҳозирги иқтисодий қийин аҳвалини ҳисобга олиб дала меҳнаткорларини учун пардеш оқватини ва болалар меҳнат ва ҳордиқ гуруҳларини овқатларини ташкил этишга маблағ ажратишга қарор қилди.

Шу муносабат билан давлат ижтимоий сугурта ҳисобидан Бекобод, Бўка, Пискент, Уртачирчиқ, Яқинкўл туманларида пардеш оқватини уюштиришга 380 минг сўм, шунингдек болалар меҳнат ва ҳордиқ гуруҳлари учун 120 минг сўм ажратилди.

Пахта йиғим-теримида ишчи овқат пули ҳар бир бола учун 8 сўм қилиб белгиланди.

Б. ПУЛАТОВ.

### "ПАХТАКОРИМ МАКТАЙИН"

Вилоят маданият ходимлари йиғим терим кизгин давом этаётган айна кунларда пахтазорларда этак тутиб пахта териш билан бир қаторда кечки дам олиш пайтларида хашарчилар хузурида маданий хизматда бўлмоқдалар.

Чиноэ туманининг "Навоий", "Оқубобоев" ва "Амир Темур" жамоа хўжаликларидики теримчилар хузурида Зангнота туманининг "Хосил" халқ ашула ва ракс ансамбли "Пахтакорим мактайин" номли бадий-муслик дастури билан бўлилар. Пахтакорлар хончалар С. Қудратиллаев, С. Кабиров, созандалар М. Мирмахмуров ва бошқалар ижросидаги куй ва кўшиқларни марок билан тингладилар.

Чиноэ туманининг марказий маданият уйи қошидаги А. Бойчаев бошчилигидаги "Чиноэ" вокал-чолгу ансамбли ҳам тумандики хашарчилар хузурида ўзининг ешларга бағишланган дастурлари нла хизматда бўлмоқда.

Қибрай туманининг "Шалола" ва "Дўстлик тароналари" халқ ансамблиари Куйичирчиқ туманининг Улугбек номли, "Янги ҳаёт", Ҳамза номли жамоа хўжаликларидики хашарчилар хузурида маданий хизматда бўлиб қайтдилар. Улар теримда иштирок этаётганлар учун оммавий, бадий-муслик дастури билан олиш дастурларини намойиш қилдилар.

Куйичирчиқ тумани марказий маданият уйи қошидаги ходимлари ҳам пахтазорларда меҳнат қилиш билан бир қаторда кечки пайтлари хашарчилар хузурида жодий учрашулар, концертлар уюштирмоқдалар, кинофильмлар намойиш қилмоқдалар.

А. ШОКИРОВ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси "Ватан тараққиети" партиясининг Олий Мажлис сайловида қатнашишни сўраб тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ "Ватан тараққиети" партиясининг Олий Мажлис сайловида қатнашишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.



## МУЛОҚОТ ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Қибрай туманида "ХАЛҚ СЎЗИ" — "НАРОДНОЕ СЛОВО" ва "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" газеталари бир гуруҳ ходимларининг туман меҳнаткорлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди

ГАЗЕТХОНЛАР билан учрашува матбуот органлари жамоаларининг яхши аниқлиги бўлиб қолган. Бундай тадбир газеталар қаламқашлари билан кенг ўқувчилар оммаси ўртасидаги алоқаларнинг мустақамлашишига хизмат қилади. Айниқса, келгуси йил учун обунга бўлиш мавсуми бошланиб кетган ҳозирги кунларда газеталар билан учрашиб, уларни киниктираётган масалалар, ташвишга солаётган муаммоларни, қандай мавзулардаги материаллар кўпроқ ертилишини истаётганлиқларини билдиришга фақат ижобий таъсир кўрсатади.

«Халқ сўзи» — "Народное слово", "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири А. Жўрабоев газеталар жамоалари олдига турган вазифалар, уларни бажариш йўлида қилинган ишлар ҳақида, айниқса республикамиз мустақамлашиши янада мустақамлаш, халқимизнинг миллий гурурини ошириш, уни ташкил этган миллатлар ҳамкорлигини, ҳамфирлигини, ҳамжиҳатлигини кўмайтириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқимизга ҳос миллий маънавиятини ва маффурани шакллантириш ҳақида

берди. Шундан сўнг сўзга чиққан "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири А. Жўрабоев газеталар жамоалари олдига турган вазифалар, уларни бажариш йўлида қилинган ишлар ҳақида, айниқса республикамиз мустақамлашиши янада мустақамлаш, халқимизнинг миллий гурурини ошириш, уни ташкил этган миллатлар ҳамкорлигини, ҳамфирлигини, ҳамжиҳатлигини кўмайтириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқимизга ҳос миллий маънавиятини ва маффурани шакллантириш ҳақида

Президенти Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини бажариш бўйича амалга оширилган ишлар ва режалар ҳақида батафсил тўхтади. "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳаррири Ф. Муҳиддинов ўз сўзида газета қаламқашлари берилаётган материаллар мавзунини кенгайтириш, уқимлигини ошириш ва умуман газетанинг ҳозиржавоблигини кучайтириш, янги-янги руқилар ташкил этиш билан овқатланишлари, газета ишини ҳозирги жўшқин давр талаблари



